ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА ҚАСАМЁД НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА МАВЗУИЙ ТАСНИФИ

Ф. Ҳасанова

Мақола инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида кенг тарқалган қасамёд типларининг ўзига хос лингвистик хусусиятлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беришга бағишланган.

Калит сўзлар: *шахсий қасамёд, касбий қасамёд, лингвистик восита, нолингвистик восита, қасамёд, чўқинтириш, монолог, диалог.*

Статья посвящена исследованию лингвистических особенностей речевого жанра «клятва» в английском и узбекском языках, раскрытию их общих и своеобразных сторон.

Ключевые слова: *личная клятва, профессиональная клятва, лингвистическое средство, неязыковое средство, обет, крещение, монолог, диалог.*

The article is devoted to the study of specific linguistic features of oath types in English and Uzbek linguocultures and their isomorpbic and allomorpbic sides.

Key words: *individual oath,professional oarth, linguistic means, nonlinguistic means, oarth, christening, monologue, dialogue.*

Дастлаб қасамёд ибораларининг мустақил эмоционал сўзлар эканлиги [1.224], қасамёдни нутқий жанр сифатида тадқиқ этиш [2.75] ҳақидаги илмий мулоҳазалар асосида XXI аср тилшунослигида қасамёд нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари юзасидан бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Таъкидлаш керакки, ушбу тадқиқотларда қасамёд нутқий жанрининг диний, социолингвистик, лингвомаданий каби хусусиятларини ёритишга катта аҳамият берилган.

Қасамёд нутқий жанрининг диний шаклларига эътибор қаратган тилшунос Т.Г.Рабеньконинг қайдича, фидеик коммуникация билан боғлиқ нутқий жанрлар орасида қасамёд асосий ўринни эгаллайди. Қасамёд нутқий жанрининг қаторини моҳиятан бир-бирига жуда яқин бўлган рус тилидаги *божба,* яъни *худонинг номи билан қасам ичмоқ; зарок,* яъни *бирор нарсани қилмасликка ваъда бериш, онт ичиш* каби бир қатор жанрий шакллар билан ҳам тўлдириш мумкин. Шу жиҳатларига кўра рус тилидаги *божба, зарок, обет, присяга* кабиларни қасам нутқий жанрининг «поджанр»лари деб ҳисоблаш мумкин [4.122].

З.Сиразиева қасамёд (клятва)ни рус ва инглиз лингвокультурологиясининг фидеик коммуникация билан боғлиқ нутқий жанри сифатида тадқиқ қилади [3.8]. Олима рус ва инглиз тилларидаги қасамёд (клятва) нутқий жанрини семантик, синтактик ва функционал прагматик аспектларда қиёсий текширишни асосий мақсад қилиб олган. Бу тадқиқот натижасида қасамёд (клятва) нутқий жанрининг миллий ўзига хослигини белгиловчи интра ва экстралингвистик факторлар кўрсатиб берилади.

Х.Алмутлақ эса қасамёд нутқий жанрининг социолингвистик хусусиятларини ўрганар экан, Иордания араб тилида диний тушунчалар билан боғлиқ шаклланган қасам иборалари ушбу тил тизимида асосий ўринни эгаллаши ҳақида ёзади [5.225].

Кузатишлар шуни кўрсатадики, турли тизимли тилларда қасамёд нутқий жанрининг мавзуий гуруҳланишига оид илмий тадқиқотлар йўқ. Аслида қасамёд нутқий жанрининг мавзуий гуруҳланиб ўрганилиши муайян лингвомаданиятда қасамёд нутқий жанрининг умумий ва дифференциал белгиларини аниқлаш, унинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш имкониятини кенгайтиради. Масалан, турли тизимли тилларда давлат аҳамиятига молик қасамёдлар ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлади. Уларнинг аксарият қисми муайян соҳаларда юзага келади. Масалан, суд соҳасида судья, гувоҳ, тиббиётда шифокор, ҳамшира, спорт соҳасида спорт мусобақалари қатнашчилари ва ҳоказолар. Инглиз ва ўзбек тилларида расмий услубда ифодаланувчи сиёсий қасамёдлар (президент, қиролича, судья, аскар қасамёди), анъанавий касбий қасамёдлар (шифокор, ўқитувчи, юрист, ишчи ходимлар қасамёдлари), анъанавий жамоавий қасамёдларга (гувоҳ, ҳакамлар, турли хил мусобақа иштирокчилари, пионерлар қасамёдлари) ажратиб ўрганиш мумкин. Тил тизимида бу қасамёд тури, асосан, маросимийлиги, тантановорлилиги ва расмий услубда ифодаланиши билан бошқа қасамёд турларидан ажралиб туради. Ушбу қасамёд типларини соҳавий қасамёдлар деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Соҳавий қасамёдлар ҳам ўз субжанрларига эга бўлиб, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) расмий сиёсий қасамёдлар: президент, ҳарбий, нотариус, судья, адвокат, прокуратура ходими, архиепископ, епископ қасамёдлари ва ҳ.к.;

б) расмий касбий қасамёд: шифокор, ўқитувчи, ички ишлар идоралари ходими қасамёди ва ҳок;

в) расмий жамоавий қасамёдлар: гувоҳ қасами; спорт мусобақаларига оид қасам (ёш кикбоксчилар, гимнастикачилар, мусобақа қатнашчилари, ҳакамлар қасам); талаба қасами ва ҳоказолар; махсус телекўрсатув қасамёдлари; дуэль қасамёди.

Тил тизимида дин билан боғлиқ шаклланган қасамёдлар муайян ўринни эгаллайди. Уларнинг диний шарт-шароитлар асосида юзага келишини ҳисобга олиб, диний қасамёд сифатида белгилаш ва ўрганиш мумкин. Диний қасамёд типлари қуйидаги ички субжанрларига эга:

а) расмий диний қасамёдлар: диний унвон ва лавозим қасамёдлари;

в) диний расмий қасамёдлар: чўқинтириш, никоҳ қасами.

Сўзлашув услубига хосланган бир қатор қасамёд шакллари мавжуд. Улар ҳам ўзига хос ташкилий композицион ва матний композицион шаклда юзага келади. Буларни халқона қасамёдлар деб номлаш мумкин. Халқона қасамёд доирасида қасамёдларнинг шундай типлари мавжудки, улар турли хил уюшган гуруҳ, тўдалар орасида кузатилади. Улар давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлмайди, лекин услуби ва амалий ижроси расмий услубга яқин туради. Тил тизимида қасамёднинг бу шакллари қасамёд нутқий жанрининг расмий услубда ифодаланувчи халқона қасамёднинг субжанрлари сифатида намоён бўлади. Диний услубда ҳам намоён бўлувчи бир қатор халқона қасамёднинг субжанрлари кузатилади. Масалан, инглиз халқи орасида кенг тарқалган сукут қасамёди, воз кечиш қасамёди ва ўзбек халқи орасида кенг тарқалган розиликка асосланган дўст тутиниш, унаштириш, марҳумнинг охирги тилаги, таъзияда қарзини тўлашга розилик кабилар. Буларни

удумларга асосланган халқона қасамёд деб номлаш мумкин. Халқона қасамёд қуйидаги субжанрларга эга:

а) сўзлашув услуби қасамёдлари;

б) удумларга асосланган халқона қасамёд: дўст тутиниш, сукут сақлаш, бирор фаолиятни чеклаш (воз кечиш) қасамёди;

в) халқона тўда қасамёдлари: турли хил ижтимоий гуруҳ, тўдаларга оид қасамёдлар: толибонлар қасамёди, ўғрилар қасамёди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар икки тил тизимидаги қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-типологик таснифи умумий жиҳатдан қуйидагича шаклланади:

1. Соҳавий қасамёд:

а) расмий сиёсий қасамёдлар: президент, ҳарбий, нотариус, судья, адвокат, прокуратура ходими ва ҳ.к.;

б) расмий касбий қасамёд: шифокор, ўқитувчи, ички ишлар идоралари ходими қасамёди ва ҳ.к.;

в) расмий жамоавий қасамёдлар: гувоҳ қасами; спорт мусобақаларига оид қасам (ёш кикбоксчилар, гимнастикачилар, мусобақа қатнашчилари, ҳакамлар қасами); талаба қасами ва ҳоказолар, махсус телекўрсатув қасамёдлари; дуэль қасамёди.

2. Диний қасамёд:

а) расмий диний қасамёдлар: содиқлик ҳақидаги қасамёдлар, диний унвон ва лавозим қасамёдлари;

б) диний расмий қасамёдлар: чўқинтириш, никоҳ қасами.

3. Халқона қасамёд:

а) сўзлашув услуби қасамёдлари;

б) удумларга асосланган халқона қасамёд: дўст тутиниш, сукут сақлаш, бирор фаолиятни чеклаш (воз кечиш) қасамёди, марҳумнинг сўнгги тилаги;

в) халқона гуруҳлараро қасамёдлар: турли хил ижтимоий гуруҳ, тўдаларга оид қасамёдлар: толибонлар қасамёди, ўғрилар қасамёди ва ҳоказолар.

Турли тизимли тилларда қасамёд нутқий жанрининг лингвистик хусусиятларини ўрганишда мавзуий таснифнинг бошқа таснифлардан афзаллиги шундаки, мавзуий жиҳатдан бир гуруҳга бириккан қасамёдлар бир бирига семантик ва услубий яқинликни ифодалайди ва ушбу мавзуий гуруҳларнинг турли тизимли тилларда умумий ва хусусий типларини ўрганишда қолган барча тасниф элементларига мурожаат қилиш имконияти мавжуд. Масалан, расмий услубдаги қасамёдлар ўзида монологик ёки диалогик, оғзаки ёки ёзма, ички ёки ташқи нутқ орқали ифодаланиши, маросимийлик ва ҳокозоларни ўзида акс эттиради. Хуллас, мавзуий таснифланиши қасамёд нутқий жанрининг лингвистик хусусиятларини ёритишнинг энг яхши усулидир.

Кўринадики, турли тизимли тиллардаги қасамёд нутқий жанрининг қиёсий типологик тадқиқида мавзуий таснифлаш етакчилик қилади ва муайян тил тизимида қасамёд нутқий жанрининг лингвомаданиятини тушунишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М., 1973

2. Кибрик. А.А. Модус, жанр и другие параметры классификации дискурсов //Вопросы языкознания.- 2009.- №2

3. Сиразиева З.Н. Клятва как речевой жанр в русскоязычных лингвокультурах: автореферат дис.. кандидата филологических наук.- Казань, 2012

4. Рабенько Т.Г. Клятва как фидеистический речевой жанр. // Вестник Челябинского государственного университета. -2010.- № 13 (194) Филология. Искусствоведение. Вып. 43.- С. 122-126

5. Huseyn Almutlaq. A sociolinguistic study of terms of Oaths in Jordanian Arabic. International journal of Humanities and social science. Vol. 3 No. 21 (Special issue - December 2013)

Андижон давлат университети,
2018 йил да қабул қилинган
(Тақризчи:)